



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 14 июнь жума
Соғувада эркин нархда
№ 125 (2953)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ИЛМ-ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ

Мамлакатимизда НАТО Илмий Кўмитаси делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Марказий Осиёда минтақавий фан ва техника муаммоларига бағишлаб ўтказилган семинар ушбу таширнинг асосий воқеасига айланади. Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида мазкур семинардан олдин Марказий Осиё мамлакатлари фан ва янги технологиялар соҳасини бошқарувчи Фанлар академиялари ҳамда давлат тузилмалари раҳбарлари иштирокида НАТО Илмий Кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов мажлисни очар экан, Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда давлат илмий-техник сибсатининг устуворликларидан бири халқаро алоқаларни ривожлантиришдан иборат эканини таъкидлади. Бу алоқалар ўзаро манфаатдорлик ва ҳамкорлик натижаларида мамлакат иқтисодининг долзарб вазифаларини ҳал этишда фойдаланиш тамойилларига асосланган. Мамлакатимиз бугунги кунда баъарият маданияти тараққиётга улкан ҳисса қўшган буюк аждоқларимиз меросига асосланган улкан интеллектуал салоҳиятга эгадир. Хорижий олимлар ва янги технологиялар бўёқдорлари билан алоқаларини кенгайтириши неча асрлар давомида илм ва фан соҳасида мавжуд бўлган ўзаро мулоқотлар тикланишига хизмат қилади. 1995 йилда НАТО Илмий Кўмитаси билан ўрнатилган ҳамкорлик муносабатлари ушбу жараён фаоллашувига ёрдам беради. Улар мамлакатимизда яратилган илмий-техник маҳсулотнинг жаҳон бозорига чиқишига, чет эл инвестицияларини республикамизнинг тегишли инфратузилмаларига жалб этишга қаратилган.

Кўпоб мамлакатлар билан ўзаро манфаатли илмий-техник алоқаларнинг ривож топиши сўнгги йиллар мобайнида НАТОнинг 4 та илмий семинари Ўзбекистонда ўтказилиши учун асос бўлди. Улар илм-фандаги инновация, илмий-техник ишланмаларнинг тижоратлашуви ва интеллектуал мулк муҳофазаси каби муҳим масалаларга бағишланди. Семинарларнинг ўтказилиши ўзбек олимлари ва янги технологиялар мутахассисларига дунёнинг кўпоб мамлакатларидаги ҳамкасблари билан қатор йирик дойирларни амалга ошириш, ақборот ва мутахассисларнинг мунтазам алмушурини йўлга қўйиш имконини беради. Шу мақсадлар учун 70 та грант ажратилган.

Мажлисада таъкидланганидек, ҳамкорлик борасида тузилган тажриба НАТО Илмий Кўмитаси халқаро дастурларини иштирокчи мамлакатлар билан биргаликда амалга ошириш механизмидан иборат бўлиши керак. Ушбу механизм Марказий Осиёнинг хорижий ил-

мий-техник тузилмалар билан муносабатларини кенгайтиришдан манфаатдор бўлган бошқа давлатлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу анжуманининг Ўзбекистонда ўтказилиши республикамизнинг Марказий Осиё минтақасида қатор илмий-техник тадқиқотлар йўналишлари бўйича етакчилик қилаётгани билан боғлиқдир, деми ўшунда НАТО Бош қотибининг илм-фан ва апроф-муҳит масалалари бўйича ўринбосари Жан Фуэрэ. Марказий Осиёдаги мутахассислар билан ўтказилган мазкур учрашувдан аввал НАТО Илмий Кўмитасининг иштирокчи мамлакатлар альяниси вакиллари билан биргаликдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда илм-фан, ҳуусан, халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техник тараққиёт бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг илм-фан ва технологиялар маркази директори, академиги П.Ҳабибуллаев ўз маърузасида анжуман иштирокчиларини республика илм-фан тараққиётининг асосий йўналишлари билан таништирди. Мамлакатимизда инновация фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган механизм ишлаб чиқаришга илгор технологияларни жалб этиш билан бирга рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш каби соҳаларни ўзлаштириш имконини бермоқда. Жумладан, бу мақсадга Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам эътибор қаратилган. Яъни, асосий вазифа — ҳар томонлама баркамол, маънавий ва касбий жиҳатдан тобора ривожланиб бораётган жамиятимиз талабларига мос келадиган шахсни камол топтиришдан иборат.

Мажлис иштирокчилари Марказий Осиёда илм-фан тараққиёти ва минтақада НАТО илмий дастурларини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди. Zero, турли мамлакатлар олимларининг биргаликдаги тадқиқотларининг кўпайиши бутун дунёда илмий-техник тараққиётга хизмат қилади.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.



Нукус шахридаги пиво заводига қарашли мабданли сув ишлаб чиқариш цехи жамоаси кечаю кундуз ишламоқда. Уларнинг сай-ҳаракатлари туфайли, Австриядан келтирилган ускуналар ёрдамида кунига 15-20 минг декалитр сув 1,5 литрлик идишларга қадоқланиб, республика-

нинг шахар ва қишлоқлари аҳолисига пешма-пеш етказиб берилаётир. Бундан каттаю кичик мамнун.

СУРАТДА: лаборантка Райҳон Қазқобоева.

Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида АҚШ Давлат қотибининг янги мустақил давлатлар масалалари бўйича ёрдамчисининг ўринбосари Линн Паско

бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Музокарада мамлакатимиз ташқи сибсат мақамаси раҳбари Абдулазиз Қомиллов Ўзбекистон билан АҚШ

ўртасидаги ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганини айтиди. Бунга мамлакатларимизнинг иқтисодий-ижтимоий, сибсий, маданият ва гуманитар соҳалардаги самарали

алоқалари яққол мисол бўла олади. Сўхбат чоғида хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ва қўшни Афғонистондаги вазият ҳамда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар борасида фикр алмашилди. (ЎЗА).

МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН

Самарқандда нодавлат ташкилотларининг ҳуқуқий-демократик ва фуқаролик жамияти қарор топишидаги ўрни ва вазифасига бағишланган минтақавий анжуман бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Қашқадар, Сурхондарё вилоятларида фаолият юритётган нодавлат ташкилотлари ва-

киллари иштирок этди. Мамлакатимизда фуқароларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етишда, ўзаро, оилавий ва ижтимоий муносабатлардаги турли муаммоларни ҳуқуқий-демократик давлат меъёрлари асосида қонуний ҳал этиш юзасидан зарурий маслаҳатлар беришчи кўпоб нодав-

лат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Самарқанддаги "Саёр" ишлов маркази ана шундай ташкилотлардан бири сифатида фуқароларнинг руҳий-маънавий қўмақчисига айланиб бормоқда. Иштирокчилар анжуман давомида марказ томонидан амалга оширилётган ишлар билан таниди.

У.РЎЗИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Шу сонга хабар

НАМАНГАНДА — КОНСТИТУЦИЯ МАЙДОНИ

Наманган вилояти марказидаги гавжум гушалардан бирида Конституция майдони барпо этилди. Янги мажмуанинг меймори эчими ўзига хос. Биринчи қаватда жойлашган Конституциянинг ўрганиш марказида ижтимоий-ҳуқуқий мавзулар турли ҳужжатлар мавжуд. Наманган давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультети ҳам шу ерда жойлашган. Меймор ва қурувчилар майдонини чинакам сайилпоҳча айлантириш учун ҳаракат қилишлар. Улкан фавора бир қарашда киши диқ-

қатини тортади, заррин томчилар иссиқ кунда танга ҳузур ва ором бағишлайди. Умуман олганда, вилоятда ҳаётимизнинг Асосий Қонунини ўқиш, ўрганиш ва тарғиб этиш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Олим ва сибсатунослардан иборат тарғибот гуруҳи аҳоли истиқоматгоҳлари, меҳнат жамоалари, ўқув даргоҳларида бўлиб, қизиқарли маъруза ва сўхбатлар билан чиқишайпти. Марказда ташкил этилган кичка мулдатли курсда туманлардан таширф буюрган тарғиботчилар навбати билан таҳсил олмақдлар. Кунни кеча Конституция

майдонининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Вилоят жамоатчилиги вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, юзлаб ёшлар иштирок этган тадбир чинакам байрам тусини олди. Унда ҳозир бўлганлар ўз чиқишларида ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳусусида сўз юритиб, Ўзбекистон Конституциясининг кундалик ҳаётимиздаги ижтимоий-сбсий аҳамиятини алоҳида таъкидладилар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



СУВ СЕРОБ,

лекин ҳамма гап ундан оқилона фойдаланишда

Ариқда шарқираб сув оқмоқда. У нафақат экинларга малҳам бўлади, балки бутун борлиққа ҳаёт бағишлайди, десак муболага бўлмайди. Лекин ариқда сувни бир текис, камаймасдан оқитишга давлатимиз ҳазинасидан қанчадан қанча сарфланганини ҳамма ҳам билади. Шуна пил, меҳнат эвазига олиб келинаётган сувнинг қадрига етганимизми?

Жорий йил баҳори ёғингарчиликларга мул бўлди. Она-табиат деҳқонларимизни оби раҳмати билан сийлади. Кетма-кет келган сув танқислигидан кейин деҳқонларимиз энгил нафас олишди. Шундай бўлса-да, бугунги кунда нафақат қишлоқ хўжалиги ходимлари, балки халқимизнинг кўпчилиги "Бу йил сув таъминоти қандай буларкин, ишқилиб эҳтиёж даражасида оби-ҳаёт жамғарилган?" деган фикрда яшамоқда.

Март-май ойларида ёққан ёғинлар дарёлардаги сув сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлди. Сирдарё, Амударё ва бошқа дарёларда сув миқдори метрлардан 40-50 фоз зиёд бўлиши кузатилди. Айниқса, Амударё сув ҳавзасида ушбу сурункали давом этган кузроқчиликдан кейин аҳоли анча яхшиланди. Натқажал Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг берган маълумотларига қўра, Андижон, Оҳангарон, Тошкент, Каттакўрган, Қуйиғозор,

Хисорак, Пачкамар, Чимкўрган, Толлимаржон, Жанубий Сурхон амборларида эҳтиёж даражасида оби-ҳаёт йиғилди. Бундай ижобий аҳолини Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти учун катта аҳамиятга эга бўлган Тумўйин сув омборида ҳам қўриш мумкин. Ушбу ишшоотда ўтган йилдаги нисбатан икки баравар кўп миқдорда оби-ҳаёт жамғарили. Айни пайтда ҳам Тумўйинга сув тушиб турибди.

Ҳозир республикамизда жойларга сугориш учун сув берилмоқда. Барча минтақаларга эҳтиёж даражасида оби-ҳаёт ажратилди. Соҳа мутахассисларининг маълумотларига қараганда, мамлакатимизда сув таъминоти бирмунча мураккаб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини оби-ҳаёт билан таъминлаш қўзда тутилган Амударё ҳавзасида қозирги сув ҳажми ва тоғларда қор эриши натижасида ёзда келиши қўтилаётган оби-ҳаёт миқдори минтақа талабини қондиради. Насиб этса, бу борада муаммо бўлмалигига умид қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг Зарафшон водийсида ҳам сув таъминотида ижобий аҳоли бўлиши қўзда тутилди. Айни пайтда амборларда 660 миллион куб метр миқдорда оби-ҳаёт жамғарилган. Бу қўратқич ўтган йилдаги нисбатан тўрт баравар кўпдир.

Лекин бундан сув кўп, ундан хоҳлаганча фойдаланиш, исроф қилиш мумкин, деган хулоса қилиш ярамайди. Ҳар бир хўжалик ва фермерга белгиланган меъёр бўйича сув ажратилди. Агар қондирувчиларга йўл қўйилса, жарима солинади.

Оби-ҳаётни тежаш, ундан оқилона фойдаланишда сугориш режимида қатъий амал этиш зарур. Аввало, бунда экинлар парварчилиги агро-техника қондирилган бажариш лозим. Сугоришдан олдин икки марта ер юмша-

тилса, тупроқда табиий нам сақланиб туради. Талаб қилинаётган сув миқдори кам бўлади. Шунингдек, баъзи жойларда сув тақчиллиги ва бошқа баҳоналар билан тўрт марта ўринга сув борилганидан фойдаланиб, икки марта қўлатиб сугориш ҳолатлари учрайди. Бундай усул тўғри эмас, албатта. Сугоришда биринчи навбатда қилиниши зарур бўлган муҳим иш — ер текис, дала сугоришга тайёр, ариқ олинган бўлиши керак. Акс ҳолда метёрга нисбатан 40 фоздан зиёд оби-ҳаёт исроф бўлади.

— Сугоришга гап кўп, — дейди Пскент туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги раҳбари, тажрибали пахтакор Мирзаали Халилов. — У ниҳоятда муҳим агро-техника тадбири ҳисобланади. Сугориш ҳосил тақдирини белгилайди. Тажрибали деҳқон сувнинг кам ёки кўпчилигига қарамайди, балки ундан оқилона фойдаланишни уйлайди. Шу билан бирга, у йилнинг келишига қараб иш юритади.

Айни пайтда юртимиз деҳқончилигида жўк усулида сугоришга амал қилинади. Ҳозир уни тақомиллаштириш, замонавий даражага етказиш борасида иш олиб боришмоқда. Бундай ижобий ишларни Қашқадарё вилоятида ва Ёзбон туманида қўриш мумкин. Ҳар бир тўғонга сув ўлчаничлар қўйилиб, оби-ҳаётнинг ҳар томонидан унумли фойдаланишмоқда.

Сув — ҳаёт манбаи. Уни ҳуқуматимиз катта маблағ эвазига етказиб бериётганини унутмаслигимиз керак. Нафақат деҳқончилик билан шуғулланаётган одамлар, балки ҳар бир киши сувдан самарали фойдаланиш йўлиларини билиши зарур. Ана шундай табият ҳам, давлат ҳам катта фойда келтирган бўлади.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲЕЧ КИМ НАЗАРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонларининг Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги Оқилжон ОБИДОВ билан мулоқотида шундай ҳолат кузатилди.

Очин, ана шу мулоқотда тайёрларик қўриш жараёнида қўнғимизда алдақандай безовталик ҳам йўқ эмас эди. Албатта, ҳамма ҳам вазир билан шахсан бундай сўхбатлашни имкониятига ҳар доим эришаремизди. Мулоқот ҳақидаги эътибор қўнғимиздан кўп ўтмай вазирликка ҳам, тахририятга ҳам тинимсиз қўнғимлар бўлди, факс орқали саволлар кела бошладди. Биз ана шундан кейин бу соҳага оид ўзига хос сўровлар, савол-жавоблар, муаммолар борлигини, бевосита мулоқот уюштириб тўғри қилганимизни аниқладик. Алқисса, мулоқот кун ҳам етиб келди. Гарчи у соат 10,00 да бошлангани айтилган бўлса-да, тўққиздан ўттиб вазирликка ўрнатилган телефонлар уста-уст жўришга бошланди. Оқилжон Обидов расмиятчиликни йиғиштириб мулоқотни бошлаб юборди.

Йўлдош МАНСУРОВ, Чилонзор тумани, «Дўмбиробод» маҳалласи, «Қирқоғайи» кўчаси, 28-уй.

— Ассаламу алайкум, Оқилжон Обидович! Аввало, шундай саволини ишга йўлга қўйсанларингиз учун катта раҳмат. Менинг сизга шундай саволим бор: бундан бир неча йил олдин хизмат сафаридида буғаланимда, бошим қаттиқ жароҳат олган эди. Ҳозир унинг асорати мени жуда ҳам қийинлаштиради. Устига устак, поликлиникадан ордер ололмаганман, йўқ, дейишайпти. «Энди нима қилсам бўлар экан?» деб ўйлаиб турганимда, сиз билан бевосита мулоқот бўлишини ўқиб қолдим. — Аввало, бизга бўлган

нишончингиз учун раҳмат. Энди мурожаатингизга келсак, сизнинг жўроҳат олганингизга анча вақт бўлганга ўхшайпти. Одатда бундай ҳолатда иш берувчи, Меҳнат вазирлиги ҳамда қасаба уюшмаси қўмитаси вақтлари иштирокчида комиссия тузилиб, жўроҳат олинган заҳоти иш даволатигома тузилади. Агар жўроҳатининг айби билан жўроҳат олинган бўлса, амалдаги қонунда бир қанча тўловлар бериш мўлжалланган. Сизнинг эъза равишида ҳам берган маълумотингизга қўра, бу ҳолат 1969 йилда рўй берган ва ўшунда сиз ёш бўлганингиз учун маълум бир мулдатта 2-гуруппо нопиронлиги белгиланган экан.

(Давоми 3-бетда).

ДИҚҚАТ! ПИЁДА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ, пиёдалар иштирокчидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 15 июнидан мамлакатимизда «Диққат! Пиёда!» ойлари бошланади.

Пиёдалар ўртасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самаралорининг олдини олишда мазкур тадбир давомида биргаликда чора-тадбирлар ўтказилади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари «Диққат! Пиёда!» тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш гуруҳларини тузилади. Унда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идоралар қатнашади.

(ЎЗА).

«Ўзкимёсаноат»: маҳаллий хомашёдан фойдаланиш самарадорлик омили

Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маҳаллий хомашёдан фойдаланишни кенгайтириш, маркетинг хизматини тўғри йўлга қўйиш ва пул асосда маҳсулот турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

лиантлар билан таъминлаш мақсадида жорий йилда Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида хлорат натрий ва хлорат мағний дефлоранти ишлаб чиқариш қурилмаларини ошириш лойиҳаси бўйича ишлар юрғузилади. Шу корхонада азот кислотаси ва аммиак селитраси ишлаб чиқариш қурилмалари қурилиш жараёнида дам олишмоқда.

ланган бишофитни олиш бўйича Кўнград сода заводида тажриба-саноат қурилмаси ишлаб чиқарилади. Вазирилар Маҳкамасининг «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирилик билан биргаликда ишлаб чиқилган «Кимёвий маҳсулотларнинг халқаро бозорини ўрнатиш ва унга тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни йўналтириш бўйича комплекс тадбирлар» ўз самарасини бермоқда.

Қарор ва ижро

Муҳаллаётган реконструкция лойиҳалари ҳамда тармоқдаги асосий ишлаб чиқариш учун янги агрегатлар қурилишининг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган. Уларни амалиётга таъбиқ этиш мақсадида чет эл сармоясини жалб қилиш истиқболлари кўриб чиқилмоқда.

Компанияда кимё маҳсулотларининг ташқи бозордаги савдо-сотиқ ўрнатиш учун ишчи гуруҳи тузилди. Унга Ташқи иқтисодий алоқалар вазириликнинг «Макроэкономик ва статистика изириклари, Фан ва технологиялар маркази мутахассислари ҳам кирган. Гуруҳ кимёвий маҳсулотларнинг ташқи бозори конъюктурасини ўрнатиш бормоқда, тадбирлар натижалари эса ўз вақтида тармоқ корхоналарига етказиб берилмоқда.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

УЛУГЛАРГА ҲУРМАТ ЯРАШАР

Мамлакатимизда ҳозирги кунда расмий маълумотларга кўра, 1 миллион 600 минг нафар пенсионер ва умуман, 3 миллион нафар қария бор экан. Улар жамиятимиз кўрки, давлатимиз ифтихоридирлар.

Ибн Сино халқаро жамгармаси Қарияларни қадрлаш йили давлат дастури бўйича бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, жамгарма томонидан жойларда илмий-амалий семинарлар ташкил этилиб, тадбирларга қарияларни тиббий-ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган барча мутасадди ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари, кўпга қариялар ва ёшлар тақдир этилмоқда. Утказилаётган анжуманлардан асосий мақсад қарияларимизга меҳр-мурувват кўрсатишни ошириш, соғлом онаҳон ва ота-оналар турмуш тарзини ўзеб келётган ёш авлодга ибрат қилиб кўрсатиш, қарияларни парвариш қилишда эътиборни нимага қаратиш лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритишдан иборатдир. Утказилаётган ҳар бир тадбир иштирокчиларига жамгармада чоп этилган ва қариялар турмуш тарзини соғломлаштиришга оид бўлган «Қарияларга маслаҳатлар», «Қарияларни қадрлашга доир тавсиялар» тарқатилиши йўлга қўйилган. Йил бошидан буён ана шундай тадбирлар Самарқанд, Жиззах ва Хоразмда жамгарманинг мазкур вилотлардаги бўлиmlари, маҳаллий ҳокимиятлар ҳамкорлигида ўтказилди.

лар Ўзбекистон радиоси орқали қариялар саноатининг мустақамлашга доир турли мавзуларда суҳбатлар олиб бормоқдалар. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатинда истикомат қилган қариялар ҳолидан хабар олиш жамгарма фаолиятини муҳим ўрин тутди. Қариялар жамиятимиз ёшларининг маънавиятини оширишда катта куч ва саноатининг ташкил этилди. Улар орасида ўз тажрибали, турли касб эгалари, олиму уламолар бор. Агар қариялар имконияти, тажрибаларини фойдаланишларга жалб этсак, уларни эътибордан четда қолдиришмасак, кексалар руҳи тетик, ўзлари бардам-бақувват бўладилар. Инсон қайси дозим-лиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритишдан иборатдир. Утказилаётган ҳар бир тадбир иштирокчиларига жамгармада чоп этилган ва қариялар турмуш тарзини соғломлаштиришга оид бўлган «Қарияларга маслаҳатлар», «Қарияларни қадрлашга доир тавсиялар» тарқатилиши йўлга қўйилган. Йил бошидан буён ана шундай тадбирлар Самарқанд, Жиззах ва Хоразмда жамгарманинг мазкур вилотлардаги бўлиmlари, маҳаллий ҳокимиятлар ҳамкорлигида ўтказилди.

Зухра БОТИРОВА, Ибн Сино халқаро жамгармаси бошқаруви раисининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

Бегубор болалик

Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида «Бегубор болалик» танловни ўтказилди. Танловда 3-13 ёшли ҳаваскор ёш мусаввирлар иштирок этишди. Улардан 25 нафари ғолиб топилди, ҳомийларнинг махсус совғалари билан тақдирланди. Сарие Жазири танловнинг энг ёш қатнашчиси, деб эътироф этилди.

Тадбиркорлар хизматида

Қашқадарё вилоти ҳудудда кимёвий ўғитлар сотиладиган 30 та махсус савдо дўкони ишламоқда. Бу ўз навбатида тадбиркорлар, фермерлар, яқна тартибда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар кишини енгил қилаётди. Айни кунга қалар дўконлар орқали 2798 тонна азотли, 517 тонна фосфорли ва бошқа хил ўғитлар сотилди.

«Зарафшон-Ньюмонт» муруввати

«Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ижтимоий ривожланиш дастури доирасида Project HOPE халқаро тижорат ташкилоти билан ҳамкорликда 3 миллион АҚШ доллари миқдориндаги инсонпарварлик ишларини Тошкентга олиб келди. Юрак, гипертония, ошқозон-ичак, нафас йўллари ва бошқа турли юкумли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар, жарроҳлик асбобларидан иборат ушбу мурувват ишлари Навоий вилоти ва Зарафшон шаҳридаги тиббиёт муассасаларига жўнатилди.

«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс».

ГАЛЛАЗОРДА ИШ ҚИЗГИ

Тошкент вилоти далаларида ҳам оммавий равишда галла ўрмига киришди. Вилот галлакорлари бу йил 127 минг гектар майдонда галла парвартиришда, давлат қабул пунктларига 257 минг тонна сарадон етказиб беришга аҳд қилишган. Вилот далаларида ишлаётган «Кейс» лар сони яна 28 тага кўпайди ва жами 183 тага етди. Шунингдек, 291 та Россия компанияни ҳам галлакорлар юмушини осонлаштирмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, жорий йилда вилот далаларининг сугориладиган майдонларидан ўртача 50 центнер атрофида, лалми ерлардан эса 10-12 центнердан ҳосил олиш имконияти бор.

Л.СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

Қимматли қоғозлар



Фонд бозорида бошқарув усули

Бугунги кунда дунёда қимматли қоғозлар бозорини ташкил этишнинг иккита модели мавжуд бўлиб, уларнинг бирида тижорат банки етакчи роль ўйнаса, иккинчисиде банклар билан молия-кредит институтлари фаоллик кўрсатмоқда. Иккинчи модел асосан АҚШ ва Англияда ривожланган бўлиб, уларда қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришда юқори натижаларга эришилган.

Мамлакатимизда ушбу янги бозор тузилмаси асосан 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги Қонуни қабул қилингандан сўнг шакллана бошлади.

Авалло, шунингдек, лозимки, мазкур Қонун уларнинг муомалада бўлишини ташкил этиш, қимматли қоғозлар бозорини назорат қилиш ва тартибга солиш йўли билан мамлакат иқтисодий ривожига ҳар томонлама қўмақлаштириш кўзда тутилди. Шунингдек, Ўзбекистонда қимматли қоғозларни сотишни амалга оширадиган фонд биржалари ташкил этилиб, уларнинг фаолият юритиш тартиблари ҳолидан аниқ кўрсатиб берилган. Жумладан, унда «қимматли қоғозлар — бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулк ҳуқуқлари бўлиб, бирга, дивиденд ёки фойз шаклида даромадга айланганини ҳам белгилаб бермоқда. Бу эса мулкдорлар сафининг янада кенгайишига катта қўлайлик яратди. Шунингдек, қонунда акциялардан ташқари облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари, векселлар, ҳисовий қимматли қоғозларнинг амал қилиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Уларни чиқариш давлат томонидан назорат қилиниши билан бир қаторда тегишли ваколатли органлар томонидан рўйхатга олинди, муомалага чиқаришга қонунда кўрсатилган тартибда рухсат берилди. У фонд биржаси орқали сотувга чиқарилади. Энди бу борада хориж тажрибасига нораз соладиган бўлсак, масалан, АҚШда қимматли қоғозлар бо-

рацияларда пул бозори, инвестиция сисмати, фонд бозорига вазиятдан келиб чиқилган ҳолда бу масалага ёндашилса, иқтисодий самара кўтирилгандек бўлади. Бошқаришда сермеҳнат талаблардан бири — бу мониторинг бўлиб, у ҳар бир операцияни ўрнатиш ва таҳлил этишга ймкон беради. Хусусан:

- фонд бозорини ўрнатиш, унинг ривожланиши имкониятларини таҳлил этиш;
- фонд бозори бўлиmlарини алоҳида-алоҳида ўрганиш;
- эмитентнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини ўрнатиш;
- қимматли қоғозларни инвестиция сифатини таҳлил этишга қўмақлашди.

Мониторинг таҳлили ўз навбатида қимматли қоғозлар бозори бўйича олдиндан таҳминлар қилишга замин ҳозирлайди. Албатта, бу ўринда менежернинг иш фаолиятини, унинг профессионаллик ва ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг яқин келажақда ривожланиши бўйича қилган таҳминлари, янги тақдирларни, қимматли қоғозлар портфелини бошқариш бўйича янги усуллари йўлаб топишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бўйича амал қилаётган қонунда давлат қимматли қоғозларни тарқатишга алоҳида эътибор берилиши зарурлиги ўқтирилади. Жумладан, унда айтилишича, «эмитентлар ўзлари чиқарадиган қимматли қоғозларни мустақил равишда, комиссия ҳақ эвазига банклар, инвестиция компаниялари, молия брокерлари орқали сотиш ҳуқуқига эга». Бу борада қимматли қоғозларни келиштирилган шартлар асосида тарқатиш, бошқа инвесторларга сотишда брокерлар хизматидан фойдаланиш ҳам фойдаланган қимматли қоғозларнинг тарқатишда фонд дўконлари, айниқса, алоҳида ўрин эгаллайди. Шу жиҳатдан олганда, буларнинг ҳаммаси қимматли қоғозлар бозорининг ривожига таъсир этувчи муҳим омили ҳисобланади.

Ҳабибулла БОЕВ, Тошкент давлат иқтисодий университети «Сугурта иши, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси» кафедраси мудири. Шухрат ЖАППОРОВ, ўқитувчи.



«Ёғочсоз»ники бўлакча...



Марғилон шаҳридаги «Ёғочсоз» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулотларга талаб янада ортмоқда. Айниқса, унинг бир-биридан бежирим, сифатли стол-стул, эшик-ром ва сўрилар ҳаридорларга манзур бўлаётди. Корхонанинг молиявий имконияти анча яқширгангани боис ақинда Фарғона «Саховат уйи»га 8 миллион сўмлик ўз маҳсулотини хайрия сифатида тақдим этди. Шунингдек, бу қўли суз усталар «Ермазов» академик лицейига 30 миллион сўмликдан ортқ эшик, ром ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб берди. Айни пайтда бу ерда фермер ҳўжаликлари учун ёғочдан кўча дала ишлонлари ишлаб чиқарилимоқда.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) ишчилар Аълоҳон Усмонов, Тиловоли Ҳамдамов ва Комил Юсупов; дуралгор Бехзод Юсупов; корхона маҳсулотлари.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ГАЗ ЎЛЧАГИЧ ЎРНАТДИНГИЗМИ?

Бу саволга Қарши шаҳридаги 2373 хонадон соҳиблари «ҳа» дея жавоб бера олади. Бу озми, кўпми? Режага кўра, 2002 йилда шаҳардаги 18531 та хонадонга газ ўлчагич ўрнатилиши керак эди. Мана, йилнинг ҳам ярми ўтди ҳисоб. Хўш, иш шу зайдла бора, у неча йилга чўзилади? Ваҳоланки, 2003 йилда 24352 та, 2004 йилда 9398 та, умуман, 2004 йилгача 52281 та хонадонга ана шундай мослама ўрнатилиши белгиланган. Бунга эришишни иложи борми? Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газини ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси таъминланганими? Албатта, бу борада Қашқадарё вилоти ва ўз навбатида Қарши шаҳар ҳокимиятларининг тегишли қарорлари чиққан. Савол туғилди: ана шу қарорлар қандай бажарилапти? Биз шу савол билан «Қаршишаҳаргазтаъминот»

филиали бош муҳандиси Жамол Ҳасановга мурожаат қилдик. — Шаҳардаги 68 та маҳалла хонадонлари ва ташкилотларга қарашли уйларга 40665 та газ ўлчагич ускунаси ўрнатилиши керак, — деди у. — Ҳозиргача 6 та бригада тузиб, шу ишни амалга оширармиз. Ҳар бригада уч кишидан (1 пайвандчи ва унинг 2 ёрдамчиси) иборат. Яна 30 та бригада тузишимиз керак. Ҳозир «Қашқадарёгазтаъминот» шўба корхонаси томонидан 650 та газ ўлчагич ускунаси олдик. Яна 400 та оламиз. — Бу ахволда йил охиригача 18531 та хонадонга газ ўлчагичлар ўрнатишга улгурасизларми? — сўраймиз ундан. — Ҳаракат қиламиз...

Ҳаракат қилингани яқин. Ҳаракатда — баракат, деб бежиз айтилмаган. Аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилинса, унда янада яқин. Ахир Қашқадарёгазтаъминот вилотида 2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, хонадонларга ўрнатиладиган газ ўлчагич ускуналарни 2,2 фойз бўлганлигини ҳисобга олсак, ҳаракат бошқача

роқ бўлиши лозимлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Шу йилнинг ўтган биринчи чорайида бу кўрсаткич 1,6 фойзга етди. Бошқача айтганда, вилот бўйича 7796 та хонадонга газ ўлчагич ускунаси ўрнатилибди. Бу 1 июнганча бўлган ахвол. Ҳолбуки, табиий газ билан таъминланган хонадонлар вилотда 214552 тани ташкил этади. Энди узингиз ўйланг, бу ахволда газ ўлчагич ускуналари қачон ўрнати бўлинадими? Ваҳоланки, «Қашқадарёгазтаъминот» шўба корхонаси томонидан шу йил 69100 та, 2003 йилда 109400 та, 2004 йилда 42100 та хонадонга газ ўлчагич ускунаси ўрнатиш режалаштирилган. Бу кетишда қачон мақсадга эришилди?

Бу саволга «Қашқадарёгазтаъминот» шўба корхонаси бошлиги Абдусамал Худойбердиев шундай жавоб қайтарди: — Утган йили 33 миллион сўм кредит олдик, 990 та гача улар 69 минг 100 донга ускуна етказиб беришлари керак. Ҳамма нарса шунга боғлиқ. Ускуна бўлса, уни ўрнатиш қийин эмас. Бунга 4 минг сўм сарфланади. Унинг ҳам ускуна баҳоси билан биргаликда олдин 30 фойзи тўланади. Қолган қисми 5 йил мобайнида газ ҳақида қўшиб тўлаб борилади. «Қашқадарёгазтаъминот» шўба корхонаси директори Алишер Ҳамидовнинг билдиришича, май ойида 5186 та газ ўлчагич ускунаси ўрнатилиши керак эди. Амалда 1200 та ўрнатирилган. Шунингдек, йил охиригача вилотда 69100 та хонадонга газ ўлчагич ускунаси ишлаб бошлади.

Долзарб мавзу

Ҳақли савол пайдо бўлади. Бу ҳисоб-китоб аниқми? Еки шунчаки хомчўтми? Йил охирида «Бизга ускуна етказиб беришолмади. Шунинг учун...» деб ерчиб ўтиришга тўғри келмасмикин? Агарда вилотдаги ва туманлардаги мутасадди раҳбарлар Вазирилар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яқшиллаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, 2002 йилда Қашқадарёда 46 та қишлоқнинг табиий газ билан таъминлашга эришса, иш янада кўпаярди. Шу йилнинг ўтган биринчи чорайи давомида фақат Қасби туманидаги 1 та қишлоққа табиий газ етиб борди. Тўғри, биринчи чоракда аҳоли маблағи ҳисобига 7,2 километр табиий газ тармоғи тортилди. Ваҳоланки, 381 километрлик табиий газ қувурлари ўтказиб режалаштирилган эди. Нега белгиланган иш бажарилмасдан қоғозда қолиб кетмоқда? Вилотда аҳолининг табиий газ билан таъминлаш эндигина 64 фойз бўлган бўлса, бу

ахволда хонадонлар қачон табиий газ билан таъминланади?

Шундай шартда газдан беулчов фойдаланишга чек қўйиш зарурати борми? Бор. Қолаверса, Шаҳрисабз ва Китобдаги хонадонларга газ ўлчагич ускунаси ўрнатилади билан қиш ойларида газнинг ўзи бўлмағи қолаётгани ҳам сир эмас. Шунинг учун Шаҳрисабз ва Китоб оралиғида 14 километр масофада газ тақсимлаш станцияси қурилиши режалаштирилган. Унинг қурилиши шу йил август ойида бошланиши кўзда тутилмоқда.

Хуллас, Қашқадарё вилотида аҳолининг газ билан таъминлаш, хонадонларга газ ўлчагич ускуналари ўрнатиш ишлари ана шундай ҳолатда. Нега? Бунинг сабаби — соҳа раҳбарлари ўз ишини билиб қилишмайди, ташаббускорлик кўрсатишмайди. Аксинча, кимнингдир кўрсатмасини кутиб ўтиришади. Ҳолбуки, раҳбарлар халқимизнинг турмушини енгил қилиш, одамларга қўлайлик яратиш учун фойдаланиш кўрсатишлари, жон куйдиришлари керак. Президентимиз халқ депутатлари Навоий вилоти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бунини алоҳида ўқитгани бежиз эмас.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



(Давоми. Боши 1-бетда)

тез мақсулотлари замонавий ва қўлай бўлади.

Санобар АЛИЕВА, Тошкент шаҳри:
— Яқинда қизиқ бир воқеа рўй берди. Кўп йиллардан буйи ишлаб келаётган ташкилотим раҳбарлари яқинларимиздан бири қамалгани учун мени ишдан бўшатди. Бу қонунийми?

— Ҳеч қайси қонунда укаси ёки кимидир қамалгани учун ишдан бўшатилади, деган жой йўқ. Ишдан шундай махсус ташкилотлар борки, уларнинг ўз фаолияти доирасида ички тартиб-қоидалари ҳам бўлиши мумкин. Сиз, яхшичи, бизга ёзма равишда мурожаат қилинг, мутахассисларимиз ўрганиб ёрдам беришади.

С. РАСУЛОВ, Пешку тумани, III гуруҳ ногирони:

— Мен 2000 йилнинг охирида қаттиқ бетоб бўлиб, узоқ муддат касалхоналарда ётишимга тўғри келди. 2001 йил март ойидан бошлаб тиббий комиссия хулосасига кўра, II гуруҳ ногиронлигини беришди. Ва мен меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолдим. Бир йил даволашнинг натижасида III гуруҳ ногиронлигига таъсис этишди. Ҳозир соғлигимни анча тиклаб, меҳнатга лаёқатли бўлиб қолдим. Туман меҳнат биржасига мурожаат қилсам, иш йўқ, дейишди. Эски ишхонадагилар ҳам бундан ўрин қолмади дейишляпти, дейди. Ишдан бўшаётган пайтимида вақтинчалик ҳеч ариза ёзган эдим. Лекин бунга ҳеч ким ишбатга олмапти.

Матлуба РИЗАЕВА, Мирзо Улугбек туманидан:

— Қизим яқинда иқтисодиёт университетини тугатди. Лекин мени ҳозирда қандай қандай қилиб, қаерга жойлашаркин, деган ўй ва ташвиш безовта қилапти. Сиз бизга ана шу масалада қандай ёрдам кўрсата оласиз?

— Қизингиз, айниқса, ҳозирги кун учун жуда ҳам зарур бўлган соҳани тугатаётган эканлар, менимча, бундай мутахассисларнинг иш билан таъминланишида ҳеч қандай муаммо йўқ.

— Лекин биз ҳозир қайққа боришимизни билмаяпмиз-да. Чунки ўзингиз яхши биласиз, ёш мутахассисни ҳеч ким дарров олавермайди. Шундай экан, нима қилсак экан, деб бош қотараяпмиз.

— Сизлар агар биз орқали ишга жойлашмоқчи бўлсаларинг, марҳамат, ҳар бир туманда меҳнат бўлимларимиз бор. Сиз ана шу ерга бориб мурожаат қилишингиз мумкин. Уша жойда қаерда, қандай иш борлиги ҳақида тулиқ маълумотлар бор. Сизга, албатта, ёрдам беришади.

Олимжон ИСОҚОВ, Денов туманидаги «Исоқ бобо» фермер хўжалиги раҳбари:

— Хўжалигимиз ўз олдига узулчилик соҳасини ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган. Ҳозир уч гектар ер олиб, унинг ҳаммасига «Хўсайин» экканмиз. Биласиз, узул дарров ҳосилга кирмапти. Қолаверса, ҳадемей уни ердан қутаришнинг керак бўлади. Бу ҳам катта харажат. Бизда 13 киши мунтазам маош олиб ишляпти. Демокчиликни, бизга ҳозир кредит жуда ҳам зарур. Мен сизлар орқали кредит олишим мумкинми?

— Мен сизни тушундим. Сиз кредитни бизнинг иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан олмақчисиз. Лекин биз бевосита кредит беролмаймиз. Сиз бизнинг учун биз билан ҳамкорлик қилаётган банкларга мурожаат қилишингиз мумкин. Жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар тижорат банкларида очилган кредит линиялари орқали берилади. Тартиб бўйича кредитларнинг кимга бериши-бермаслигини эса банк ҳал қилади.

— **Менинг ҳисоб рақамим Ташиқ иқтисодий фаолият миллий банкда-да.**

— Бизнинг Миллий банк билан ҳам келишувимиз бор. Марҳамат, уларга ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

— **Лекин олти ойдан бери юзруб одамларимиз-да.**

— Сиз бу тўғрида вазириликка ариза билан мурожаат қилинг. Унда биз сизга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Зафар ИМОМОВ, иқтисодиёт университети талабаси:

— Менинг Америкага бориб ўқиш истагим бор. Лекин сўраб-суриштираман, ўқиш у ёқда қулай экан. Меҳнат вазири бу борада қандай ёрдам бери олишим мумкин?

— Бизда айни пайтда бундай қарорлар ҳақида ҳуқуқ йўқ. Сиз бу саволнинг билан «Умид» жамғармасига мурожаат қилишингиз керак. Чунки ушбу жамғарма ҳурмати Президентимиз И. А. Каримовнинг шахсан ташаббуслари билан ташкил қилиниб, республикамиз олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган иқтисодий ва ўқишда, жамоат ишларида алоҳида намуна бўлаётган талабаларни ривожлантириш йўриқ-қоидалари билан ишляпти.

Бизнинг йўналиш бўйича чет элда касб ўрганиш ва ишлаш учун юборилаётганлар эса жойлардаги туман (шаҳар) меҳнат бўлимларига мурожаат қилиб, қонунчилик билан ўрнатилган тартиб асосида «ишсиз» мақомига эга бўлган ва чет элда касбга ўрганиб, ишлаш истагини билдирган фуқаролардир.

Ҳақимхўжа УМАРОВ, Чирчиқ шаҳри:

— Мен 1975 йилда бетоб бўлиб, II гуруҳ ногирони бўлганман. Ҳозир ҳолимга лойиқ енгиларқ ишда ишляпман. Лекин ояқимни ўз вақтида оломайман.

— Бу ҳақда Президентимизнинг махсус Фармони бор. Агар иш беришчи ойлик маошнинг ўзи пенсияни ўз вақтида тўлай олмаса, сиз туман ёки шаҳрингиздаги прокуратурага мурожаат қилинг. Улар, албатта, ёрдам беришади. Чунки бу борада иш беришчи ҳам масъул, ҳам жазо белгиланган. Биз ҳам ана шундай корхоналарнинг рўйхатини прокуратурага тақдим этиб тураемиз.

Аҳмад РАҲИМЖОНОВ, Юнусов туманидан:

— 17 ёшга кирган I-гуруҳ ногирони фарзандим бор. Бу жойда бўлиб қолган. Шу боис унга ушим қараяман. Ораси эса ишляпти.

Агар шундай ҳолат бўлса, менинг иш стажимга утар экан, деб бўлишим-да, сизларнинг туман бўлимингизга мурожаат қиладим. Улар стажини фақат онасига берармиз, дейишди. Бу қанчалик тўғри?

— Агар болага сиз қараётган бўлсангиз ўтади, бошқача бўлиши мумкин эмас. Манзилнингизни қолдинг, ижобий ҳал қилишади.

Машариф ХУДОЙШУКУРОВ, Урганчдан:

— Мен пенсионерман. «Оқтош» санаторийсига дам олишим учун нўтёка қилиб бера оласизми?

— «Оқтош» санаторийсига

жуда кам, деб ўйлайман.

— Ҳозирча имкониятимиз йўқ. Биласиз, жорий йилда маошлар ошди. Худо хоҳласа, кейинчалик яна оширармиз. Шунда агар шу сизга маъқул бўлса, ишингизни давом эттираварамиз.

Фёдор ЯКОВ, 2-гуруҳ ногирони, Юнусов тумани:

— Ёшим 25 да, болаликдан ногиронман. Тиббий текширувдан ўтдим, аммо менга уч ойдан бери нафақа беришмаяпти.

— Хотиржам бўлинг. Биз назоратга оламиз. Тез кунда нафақангизни ола-сиз.

Тошкент шаҳридаги Мирзо

Илтимош ОРИПОВА, Бухоро шаҳри «Мустақиллик» кўчаси 29-уй, 37-хонадон:

— Тиббий хулосага кўра, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган барча турдаги I-гуруҳ ногиронлари коммунал хизмат тўловларини тўлашдан озод этиладиларми? Аввал ҳам Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазириликка мурожаат қилган эдим, лекин жавобдан қоникмадим.

— Вазирилик ходими томонидан ушбу савол бўйича сизга тўғри тушунириш берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги Фармони асосан, бу турдаги имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи

Ушбу тоифадаги оилаларни аниқлаш ва моддий ёрдам тайинлаш Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сонли қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» Низомга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

Шодиёр ҚАРШИБОВ, Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, «Мустақиллик» маҳалласи котиби:

— Маҳалланинг (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг) ҳисоб рақамига қайси ташкилотлардан ҳимийлик ёрдами тушади? Деҳқон ва фермер хўжалиқларидан ҳам туширса бўладими?

— «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» Низомнинг 5-бандига кўра, моддий ёрдам тўлашни маблағ билан таъминлаш манбалари ҳисобига бюджетдан ташқари турли манбалар кирди. «Турли манба» деганда жомоат ва хўжалиқларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалари кирди. Албатта, саволда кўрсатилган деҳқон ва фермер хўжалиқлари шулар жумласидандир.

Суннатилла МАҲМУДОВ, Бухоро шаҳри, А.Набиев кўчаси, 3-уй, 1-проезд:

— Болаликдан II гуруҳ ногиронман. Айни кунларда операция бўлишим керак. Ушбу операцияга ва ундан кейин зарур бўлиши мумкин бўлган ҳамда Тошкент шаҳрига бориб келишим учун кетадиган харажатларга давлат ёрдам бериши мумкинми?

— Амалдаги қонун ҳужжатларида болаликдан ногиронларнинг операцияси ҳамда уларнинг даволаши учун бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга бориб келишлари учун қилинган сарф-харажатларни давлат томонидан қоплашиши назарда тутилмаганини маълум қила-миз.

Абдумуталиб ЖАЛИЛОВ, Андижон вилояти Буюкбоши тумани ҳокими.

— Туманимиздаги Қулла қишлоғида, «Бизинтруд» кўмаклашувчи корхонасини ташкил қилиш масаласини кўриб чиқишингизни сўрайман.

— Шу кунга қадар Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 10 та «Бизинтруд» корхонаси ташкил этилган.

Жорий йил учун Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг жами кредит ресурслари йил бошида тижорат банклари ўртада тулиқ тақсимланганлиги, йил охиригача ортиқча маблағ йўқлиги ва ҳозирги кунда Андижон вилоятида ана шундай иккита «Бизинтруд» корхонаси ишлаб туриб, уларнинг фаолияти қўзғалган мақсадга жавоб беришганини инобатга олиб, Буюкбоши туманида янги корхона куриш имконияти мавжуд эмаслигини ва ҳозирча бу масалани кўриб чиқиш мақсадда мувофиқ эмаслигини маълум қила-миз.

Ажратилган вақт ҳам тугади. Мулоқот нўпёга етди. Аммо таъкидлаш лозимки, кўнгиноқлар кўп бўлди. Савол кетидан савол, тақдир кетидан тақдир хўп ёғилди. Афсуски, уларнинг ҳаммаси газетамиз саҳифасидан ўрин ололмади. Тўғри, кўнгиноқ қилганлар орасида вазириликка тегишли бўлмаган, бу тизимга алоқасиз мурожаатлар ҳам учради. Ҳозир гап унда эмас, балки энг асосийси, фуқароларнинг вазирилик кўнгиноқ кўнгиноқ, ўрнатдилар. Ҳар икки томон ҳам бир-бирининг муаммолари, ютуқ ва камчилиги, дардини эшитди, имкониятлари нимада эканлигини ошқорла фискалчилар. Қатор масалалар эса жойда ҳал бўлди. Баъзилари назоратга олинди.

Бевосита мулоқотдан кейинги хулоса қуйилганга бўлди. Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик қалқинг моддий фаровонлиги барқарор, илҳи ўсишини таъминлашга қаратилган ягона ижтимоий сиебатни шакллантириш ва амалга ошириш, иқтисодиётини янлада эркинлаштириш шароитларида юртдошларимизнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга эътиборни қаратаверамиз.

Қурбон ЭШМАТОВ, Исмаил ХУДОЕВОВ, Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (сурет), «Жалқ сўзи» мухбирлари.

ҲЕЧ КИМ НАЗАРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқилжон ОБИДОВ билан телефон орқали мулоқот

йўлланма олиш учун сиз Урганч туман ижтимоий таъминот бўлимига ариза билан мурожаат қила-сиз. Белгиланган тартибда сизни сийхатгоҳга йўлланма билан таъмин-лашади.

Бойхўро БЕКНАЗАРОВ, Бахмал туманидаги «Холбой ота» фермер хўжалиги бошлиғи:

— Ассалоому алайкум, Оқилжон ака! Сиздан маслаҳат олмақчи эдим.

— Ҳўш, эшитаман.

— Президентимизнинг «Аҳоли ижтимоий хўжояга муҳтож қат-ламларини аниқ йўналишда тар-тибда қўллаб-қувватлашни кучай-тириш тўғрисида»ги Фармонига асосланб кредит олмақчи эдим.

— Демак, оилавий тадбиркорлик бўйича бўлса керак?

— Ҳа, оилавий.

— Жуда яхши, аммо сиз бир ҳолат-ни биллиб олинг. Кечагина биз Адлия вазириликда оилавий тадбиркорлик бўйича йўриқномамизни тасдиқлаб олдик. Шу йўналиш бўйича 2 милли-ард сўм маблағ ажратилди. Энди мана шунинг маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда муҳтож оилаларга бер-моқчимиз. Қашшоқликка қарши ку-раш тadbiri бор. Шунга кўра, кам таъминланган оилаларнинг тадбир-корлик фаолияти билан шуғулланиш-га хоҳиши борларигагина кредит бе-раемиз.

Шухрат АЗАМАТОВ, Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидан:

— Қўшма корхонада ишлар эдим. Оилам ишлямайдди. Шу йил фев-раль ойида энгиз фарзанд кўрган эдик. Бу чоғда корхонамиз ёпилиб, мен ҳам ишсиз қолдим. Қасқаси, маҳаллага чиқиб, болаларимизга 2 ёшгача пул олишни расмийлаштири-моқчи бўлидик. Лекин маҳаллабаш-лар икковинг ҳам ишлямас экан-сан, берилмайдди, дейишди.

— Бу нотўғри. Айнан сизларга бе-рилиши керак. Маҳаллангиз қайси?

— «Тинчлик».

— Сиз аризани топшириб қўяве-ринг. Қолгани билан ўзимиз шуғул-ланамиз.

Тожи ҚАЮМОВА, Тошкент ви-лояти, Чирчиқ шаҳридан:

— Мен шу шаҳарда ижтимоий таъминот бўлимида ижтимоий ходим бўлиб ишляман. Арзим шукки, бизнинг маошимиз кам. Тоифали-ларга ўн минг беш юз етмиш етти сўм, тоифаси йўқларга 9622 сўм. Бу ҳолатда яшаш шартини жуда қийин. Пахта терими вақтида да-лага жўнаймиз. Ҳар биримизнинг қарамогимизда ўн нафардан ёлғиз ногирон бор. Ойида саккиз-тўққиз мартадан уларнинг уйига бориб ха-бар оламиз. Мен айтган маош биз-нинг қиладиган меҳнатимиз учун

Улугбек туманининг 18-мактаб ка-саба уюшмаси қўмитаси раиси:

— Муаллимларимизнинг қўлчилик қисми I шундан меҳнат ташки-лига чиққан. Аммо шу кунгача улар маошларини олишолмаяпти. Сабоби — ҳалқ таълими бўлимида пул йўқ эмиш.

— Бу жуда ачинарли ҳолат. Шах-сан бизнинг вазирилик бунга бефарқ қрай олмайди. Тегишли ташкилот-лар билан боғланиб, сизларга, албат-та, ёрдам берамиз.

Фарида СОЛИҲОВА, пенсионер.

— Пенсиям ҳақда 2-гуруҳ но-гиронларига транспортдан фойда-ланишда қандай имтиёзлар бор? Йўл ҳақининг ярмини тўлаш мум-кинми? Баъзи транспорт ходимла-ри йўлқарининг 50 фоизини олиб қолишади. Айримлари эса, бу ҳақда ҳеч қандай қонун йўқ, деб тўраб олашади.

— Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Шаҳар жамо-ат транспортларида бепул юришни тартибга солиш тўғрисида»ги Қону-нига асосан куйидаги тоифа фуқаро-лари шаҳар жамоат транспортларида бепул юриш ҳуқуқига эгалар: Иккин-чи жаҳон уруши қатнашчилари, но-гиронлари; уруш даврида фронт ор-тида меҳнат қилган ва «Фидокорона меҳнати ва бепул ҳарбий хизмати учун» орден ва медаллари билан тақ-дирланган шахслар; байналмилал-жангчилар; Чернобыль АЭС-ногирон-лари; I-гуруҳ кўзи ожиз ногиронлари.

Бошқа тоифадаги фуқаролар, жум-ладан, ёшга доир пенсионер ва умум-ий касалликдан ногирон фуқаролар махсус дўконларда сотувга чиқарил-ган 50 фоиз арзонлаштирилган ойлик йўл чипталарини харид қилиб, фой-даланишлари мумкин. Йўл ҳақини нақд пул билан 50 фоиз арзонлашти-рилган ҳолда тўлаш амалдаги қонун-чиликда кўзда тутилмаган.

Азиз ОРЗИЕВ, пенсионер. На-воий шаҳри, Владимир Бўлат кўча-си, 41-уй.

— Шахсий пенсионерларга қан-дай имтиёзлар бор? Уларнинг да-рражаси кимларга тенглаштирилади?

— Бугунги кунда шахсий пенсио-нерлар:

- коммунал хизмат (газ, электр, иссиқ-сувук сув) учун тўловлар ва тур-рар жой учун 50 фоиз арзонлашти-рилган ҳолда ҳақ тўлайди;
- сийхатгоҳ йўлланмалари билан бепул таъминланади (республика ми-кёсидаги шахсий пенсионер — ҳар йили, маҳаллий аҳамиятта эга шах-сий пенсионер — 2 йилда 1 мартаба);
- тиш протезларини бепул қўйди-ради;
- мол-мулк солиғини тўловларидан озод этилади.

ёлғиз» пенсионерлар жумласидан бўлган ўзгалар парваршига муҳтож ногиронлар учун берилган. Сизнинг ушбу тоифага тааллуқингиз йўқли-ги сабабли, коммунал тўловлари тўлашдан, афсуски, озод этилмайсиз.

Карим МУХТОРОВ, Юнусов, 18-дах, 75-уй, 77-хонадон (Соғ-лиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмасининг Марказий кенгаши ходими).

— Ҳорманг, Оқилжон ака. Ик-кита саволим бор эди. Ходимнинг иш ҳақидан Пенсия жамғармасига бадаллар ушлаб қолишини сабаби нимада?

— Ёшга доир пенсияга чиққан ва айни пайтда ишляётган ходим-нинг иш ҳақидан Пенсия жамғар-масига бадаллар ушлаб қолинади-ми?

— Амалдаги қонунчиликка биноан, пенсия ва ижтимоий нафақалар хара-жатлари бюджет ҳисобидан эмас, бал-ки бюджетдан ташқари Пенсия жам-ғармаси ҳисобидан амалга оширилади. Ўз навбатида у жамғарма мабла-ғлари бирдамлик тамойиллари асоси-да ишловчиларнинг бадаллари ҳисо-бига шаклланади.

Шу боис барча ишловчилар, шу жумладан, пенсияга чиқиб ишляётган-лар ҳам ўз иш ҳақларидан мажбурий бадалларини тўлашлари лозим. Бу қонда қонун ҳужжатларида аниқ бел-гиланган.

Гулбарчи АЛЛИЕВОВА, Қо-рақалпоғистон Республикаси, Чим-бой тумани, Қ.Авезов номи шир-кат хўжалиғи:

— Қўнчи маҳалла ва овулар-да кимга моддий ёрдам бериши ёки бевоситалик ҳақда баҳаслар, тарти-булар бўлиб туради. Аслида аҳоли-нинг ижтимоий хўжояга муҳтож қатламга кимлар кирди?

— Аҳолининг ижтимоий хўжояга муҳтож қатлами тушуничаси ўз ичига бир қатор тоифадаги фуқароларни қамраб олади. Саволингизда назарда тутилган моддий ёрдам эса аҳолининг кам таъминланган, яъни объектив на-бабаларга кўра, оиланинг биринчи на-батдаги ахтиёрларини таъминлай ол-майдиган кам даромадли оилалар ва бошқа ёлғиз фуқаролар (воғна етма-ган болалари бўлган кўп болали оила-лар, боқувчиси ногирон ва меҳнат лаёқатини қисман йўқотган сурунка-ли касал оилалар; ишсизларнинг оилалари; ёлғиз пенсионерлар ва бош-қа ўта муҳтож оилалар)га тайинланади.

Бевосита мулоқот давом этади!

Тахририятимизда таркиб топан аънабага мувофиқ, бундан кейинги бевосита мулоқот навбатига Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта мах-сус таълим вазири Саидхўроқ ҒУЛОМОВга.



Манзил кўриниб қолди

Пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортларида ўтказилган аёллар ўртасидаги Sanex WTA Tour «Tashkent open» халқаро турнири беллашувлари қизгин паллага кирди.

Кеча ўтказилган навбатдаги тур ўйинларидан сўнг айни мусобақада ким голиб бўлиши хусусидаги баҳоратлар ҳам эшитила бошланди.

Тахминларга кўра, швейцариялик теннис юлдузи Мари-Гаяне Микаэлян ва белоруслик Татьяна Пучек «Tashkent open» халқаро турнирининг финал баҳсларига етиб боришлари мумкин.

Ф. САНАЕВ.

Демократик тамойилларнинг кучли ҳаётимизга шукр қилиб боришда, жамияти фуқаролик жамиятига айлантиришда эркин фикр юритилган шахсларнинг ўрни беқисс эканлиги сир эмас.

Мулоҳаза

лигини билишди. Бу ахши. Ачинарлиси, улар асарнинг ўзини ўқимаётганлигида. Чунки фильм ёки саҳна асарини кўриш асарнинг ўзини ўқиб чиқаргачлик таассурот қолдирмайди.



ришдан иборат бўлиши лозим. Назорат турлари фақат оғзаки ва ёзма (иншо) кўринишда бўлиши керак.

Бадий китоб ўқийсизми?

эмас. Асарни ўқиган ва ўқимангилар дунёқарши, демократик, маънавийида ўзгачалик бўлади. Киши қачин кўп китоб ўқиган бўлса, унинг маънавийлиги даражаси шунчалек юқори бўлади.

Урпа мактаб дастури буйича адабиёт фанида берилган даража, унинг асари, асарнинг қисқача таҳлили ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, асарлардан намуна ёки парча билан чекланиш камлик қилади.

ўқувчиси ўқиган асарни унинг математик, географ ёки биолог ўқитувчиси ўқиманган бўлиши кечириб бўлмайдиган ҳолат. Худди шунингдек, олий таълимда дарс берадиган ўқитувчи талаба ўқиган китобни ўқиманганлигини қандай қилиб қилиши мумкин?

Урал ҲАЙТОВ, Қорши муҳандислик-иқтисодий институтининг биринчи проректори.

ТАШКИЛОТ ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ «ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
автомобиль транспорти воситалари харид қилиш учун тендер эълон қилади.

САВОЛ БИЗДАН...
Лондондерри шаҳри қаерда жойлашган?
136-35-60
Кечаси сонда берилган саволнинг жавоби: Нигер

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИГА ИЛК БОР ТАЛАБАЛАР ТАЊЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИЛАР.
Буюк Британиянинг Вестминстер университети Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги биргаликда Тошкент шаҳрида янги Халқаро Вестминстер университети (ХВУ) ташкил этилди.

АЗИЗ БИТИРУВЧИЛАР!
Ўз келажagini Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти, йўллари, коммуникациялари ривож билан боғлаш умидида бўлган барча ёшларни, мактаб, лицей, коллеж битирувчиларини 2002 йил 15 июнда ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИДА ўтказилган ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИГА таклиф қиламиз.

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALISED EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
«UMID» FOUNDATION OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN TO SUPPORT THE EDUCATION OF TALENTED YOUTH ABROAD
ANNOUNCE THE FIRST STUDENTS' INTAKE TO WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT

«ХАЛҚ СҮЗИ»
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб) — «Халқ сўзи», М. Егоров (масъул котиб) — «Народное слово», Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари) — «Халқ сўзи», Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоберов, И. Шоголомов, О. Кампбергенов (бош муҳаррир ўринбосари) — «Народное слово», Ҳ. Ҳошимов.